



1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

2022-yil 20-dekabr, seshanba, 150 (23.715)-son

КУН ҲИКМАТИ

Устознинг вазифаси шогирдининг хатосини топиш эмас, уни хато қилмасликка ўргатишдир

# Zarrafshon

www.zarnews.uz https://www.facebook.com/zarnews.uz @zarnews\_uz https://twitter.com/zarnews\_uz

## Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

### Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақириқ етмиш саккизинчи сессиясини чақиритиш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақиритиш сессиясини сессияси 2022 йил 23 декабрь кунини соат 10:00 да чақиритилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

- вилоят ҳокимининг қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўчалар-мунозарлаштириш масалалари бўйича ўринбосари А.Шукруровнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-43-сонли қарорининг ижроси юзасидан ҳисоботи ҳақида;

- вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Ш.Рўзиёвнинг вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

- вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Д.Жуманиязовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2022 йил 5 майдаги “Тез тиббий ва шовилчин ёрдам хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 38-сонли видео-селектор йиғилиш баёни ижроси юзасидан ҳисоботи ҳақида;

- халқ депутатлари вилоят Кенгаши доимий комиссияларининг иш режаларини тасдиқлаш тўғрисида;

- “Uzbekistan Digital Inclusion” лойиҳаси концепциясини кўриб чиқиш тўғрисида;

- халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ахборот сиёсати ва маҳаллий давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг низомини тасдиқлаш тўғрисида;

- Булунгур, Нуробод, Паст Даргом ва Пахтачи туманларидаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинларининг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини тасдиқлаш ҳақида;

- бошқа масалалар.

Вилоят ҳокими Э.ТУРДИМОВ

2022 йил 16 декабрь

Бу ҳақда вилоятимиз сайёҳлик салоҳиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва 2023 йилга мўлжалланган режалар юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида вилоят ҳокими ўринбосари – туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи Рустам Қобилмов маълум қилди.

Аввало, матбуот анжумани учун Самарқанд шаҳрида янги очилган меҳмонхоналардан бири танланганини қайд этиш лозим.

Атиги саккиз сотих майдонда маҳаллий тадбиркор томонидан бунёд этилган илҳам ва халқаро стандартларга мос меҳмонхонада 50 ўрин яратилган. 36 та номер люкс ва стандарт хоналардан иборат. Меҳмонхонанинг ертўласи ва том қисми ҳисобланган учинчи қаватдан ресторан ва кафе сифатида фойдаланиш имконияти яратилган. Бу жойларда бир вақтнинг ўзида 180 кишигача хизмат кўрсатиш мумкин.

– Бугунги кунда вилоятимиздаги меҳмонхоналар сони 154 тага, улардаги ўринлар сони 10719 тага етди, – деди Р.Қобилмов. – Биргина жорий йилда қарийб тўрт минг ўринли қирққа яқин меҳмонхона фойдаланишга топширилди. Мазкур меҳмонхона ҳам сентябрь ойида ишга тушди. Давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёзлар туфайли тадбиркорларимиз мана шу каби кичик, амо халқаро талабларга тўла мос жойлаштириш воситалари ташкил этишга эътибор қаратмоқда. Бундан ташқари, айни пайтда вилоятимиздаги меҳмон уйлари 305 тани, хостеллар 48 тани, туроператорлар 192 тани ташкил этмоқда. Келгуси йилда вилоятимизда яна 30 та меҳмонхона, 100 дан ортиқ меҳмон уйи, 40 та хостел ташкил этиш режалаштирилган.

## ИЛК БОР 1,2 МИЛЛИОН ХОРИЖЛИК САЙЁҲ КЕЛДИ



Туроператорлар яна 50 тага кўпаяди. Утаётган йилда вилоятимизга аввалги йиллардан сезиларли даражада кўп сайёҳ келди. Ун бир ой давомида Самарқандда бўлган маҳаллий сайёҳлар 4,2 миллион, хорижликлар 1,2 миллион нафарни ташкил этди. Хорижлик сайёҳларнинг қатна қисми – 326,5 минг нафари россияликлар, 268,7 минг нафари тожикистонликлар, 137 минг нафари қозғоғистонликлар бўлди. Шунингдек, Европа (149,5 минг), АҚШ ва Жанубий Америка (98,2

минг), Осиё (96,3 минг), Яқин Шарқ (58,6 минг) давлатларидан ҳам ҳар қачонгидан кўп турист келди. Йил бошидан буйён келган сайёҳлар сонини таҳлил қилиб кўриш – кунига 11800 нафар маҳаллий сайёҳ Самарқандни зиёрат қилаётган экан.

Р.Қобилмовнинг таъкидлашича, 2023 йилда вилоятнинг туристик салоҳиятини ошириш учун 6,2 триллион сўмлик 160 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бунинг натижасида 15700 та янги иш ўрни яратилади. Туман ва шаҳарлардаги 239 маҳаллани ривожлантиришнинг асосий драйвери сифатида туризм белгиланиб, зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Вилоятда илк бор Самарқанд шаҳрида гастрономик туризм кластери, Пайариқ туманида зиёрат туризми кластери, Тойлоқ туманида виночилик туризм кластери, Нурободда тиббиёт туризми кластери, Самарқанд туманида бизнес туризм кластери ва Ургут туманида тоғ туризми кластери ташкил этилади. Самарқанд халқаро аэропортидан амалга оширилаётган кунлик рейслар сони ҳозирги 10 тадан 20 тага етказилади. Сайёҳларнинг Самарқандда бўлиш кунларини ошириш мақсадида беш кунлик туризм дастури ишлаб чиқилди.

Маълум қилинишича, келгуси йилда Самарқандда 25 та нуфузли халқаро форум ва анжуманлар ўтказилади. Бу тадбирларга ҳозирдан пухта ҳозирлик кўриломоқда.

## Самарқанд ва Афёнқараҳисар шаҳарлари ўртасида қардошлик ришталари боғланди

Самарқанд шаҳар ҳокимлигида Туркия Республикасининг Афёнқараҳисар шаҳри ҳокими Меҳмет Зейбак бошчилигидаги делегация билан учрашув ўтказилди.



Самарқанд шаҳар ҳокими Фазлиддин Умаров меҳмонларни қадимий ва ҳамisha навқирон шаҳарга ташифи билан қутлаб, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида азаллий қарор толган дўстлик алоқалари кейинги йилларда янада мустаҳкамланганини таъкидлади. Бу эса икки мамлакат минтақаларининг савдо-иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилаётганини қайд этди. Айниқса, туризм йўналишидаги алоқалар томонлар учун манфаатли бўлмоқда.

Афёнқараҳисар шаҳри ҳокими Меҳмет Зейбак ҳам бу фикрларни тасдиқлаб, шу ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш учун томонларда имконият ва салоҳият юқори эканлигини билдирди.

Хусусан, ўзига хос ошхонаси, миллий таомлари билан дунёга машҳур Афёнқараҳисар 2019 йилда ЮНЕСКОнинг гастрономия соҳасидаги оқдодий шаҳарлар тармоғига киритилган. Ҳозирда дунёнинг 36 та шаҳри киритилган мазкур тармоққа Афёнқараҳисар Туркиянинг Газиантеп ва Хатайдан кейин қўшилган шаҳри ҳисобланади.

Учрашувда икки шаҳар ўртасида мавжуд бўлган тарихий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, билим ва тажриба алмашиш ҳамда узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида “Қардош шаҳарлар тўғрисида”ги меморандум имзоланди.

Туркиялик меҳмонлар Самарқандга сафари давомида шаҳардаги муқаддас қадамжов ва диққатга сазовор жойларни зиёрат қилди.



## Талабалар халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди

2020 йилдан буйён ўтказиб келинаётган ушбу халқаро олимпиадада Польша, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Украина, Беларусь, Туркия ва Озарбайжон давлатлари 76 та олий тиббиёт ўқув юртларининг 120 дан ортиқ профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида 300 га яқин талаба-ёшлар офлайн, 3 мингдан зиёди онлайн тарзда иштирок этди.

Дастлаб жамоалар ва ёш олимларнинг илмий ишлари ва лойиҳалари танлови бўлиб ўтди. Талабаларнинг чиқишлари ва тақдим этилган илмий ҳамда амалий ишланмалар хайъат аъзолари томонидан баҳолаб борилди.

Иштирокчилар офлайн ва онлайн тарзда одам анатомияси, физиология, патология физиология, патология анатомия, суд тиббиёти, тиббий кимё, биология кимё каби 36 йўналиш бўйича ўз билим ва кўникмаларини синонадан ўтказди. Жараён икки босқичда, яъни тест синовлари, назарий ва амалий кўникмаларнинг намоийиш орқали ўтказилди.

Халқаро олимпиадада иштирок этган талабаларга сертификатлар берилди. Ҳалилар ва

фаол иштирокчилар турли йўналишлар номинациялари бўйича дипломлар билан тақдирланди.

Олимпиада доирасида талаба ва ёш олимларнинг стартап лойиҳалари танлови ҳам бўлиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда талаба-ёшлар учун етакчи мутахассислар томонидан замонавий тиббиётда фундаментал фанлар, илмий тадқиқот усуллари, педиатрия ва стоматологиянинг долзарб масалаларига бағишланган маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Тадбирда Соғлиқ билимлари университети ва Евроосиё соғлиқни сақлаш ва ижтимоий фанлар илмий-тадқиқот маркази директори Фейзиўгли Айнурга Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Фахрий профессорининг ўнвони берилди.

Одилбек АҲМЕДОВ.

## Ҳаво илигани билан чекловлар сақланиб қолган

Кунлар исиб, совуқнинг забти анча пасайди. Бироқ бу ҳали ҳам электр энергияси ва табиий газ чекловларига барҳам берган эмас. Аниқроғи, чекловлар давом этмоқда. Жойларда коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари авария оқибатларини бартараф этмоқда.

– Бугунги кунда Ургут туманидаги Бойбул маҳалласида электр таъминотини яхшилаш мақсадида амалий ишлар олиб борилапти, – дейди “Худудий электр тармоқлари” АЖ Самарқанд худудий филиали техник директор ўринбосари Элдор Мамасолиев. – Трансформатор пунктга қўшимча 160 кВ трансформатор пунктга ҳамда ҳаво электр узатиш тармоғига 94 дона темир бетон таянчлари ўрнатилиш ишлари бажарилди. Шунингдек, ҳаво электр узатиш тармоғининг 3,5 километрга кабель тортилди. Ҳозирда мазкур худудда яқини яқини монтаж ишлари олиб бориломоқда. Белгиланган ишлар якунланганга, юзга яқин аҳоли хонадонларида энергия сифати яхшиланди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги “Шохи Зинда” подстанциясида чикучи 6 кВ кабель тармоғида кузатишланган носозлик бартараф этилди.

Иштихон тумани электр таъминоти корхонаси томонидан Чақар,

Боғиҳон, Бўронхўжа, Чағатой, Дўстлик, Тойтуёқ ва Чимкўрган маҳаллаларида 314 та янги таянч устуни ва турли қувватдаги 7 дона трансформатор пунктлари ўрнатилди. Айни вақтда Иштихон туманида жойлашган “Ишонч” подстанциясида кузатишланган носозликни бартараф этиш ишлари олиб бориломоқда.

Жойиб туманида электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келаётган айрим тадбиркорлар борлиги аниқланди. Улар туман электр таъминоти корхонаси томонидан тармоқдан узилди.

Вилоятдаги 8 та кўмир омбори ва 4 та мавсумий шохобчалар орқали бир кунда аҳолига 322 тонна, мавсум бошидан буйён эса 79 минг 218 тонна кўмир маҳсулотлари етказиб берилди.

Давронов. – Бугунги кунда худудий кўмир омборларимизда 184 тонна кўмир захираси бор. Кўмир тақсимотга асосан маҳаллабай тарзда аҳолига тарқатилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорларимиз томонидан 5 минг тоннадан зиёд импорт кўмир ҳам етказиб берилди. Сўнгги кунларда кўмир масаласида келиб тушган 41 та мурожаатнинг барчаси тўлиқ қаноатлантирилди. Шу кунларда “Ўзбек-кўмир” АЖ томонидан темирўл орқали 3 минг 454 тонна кўмир маҳсулотлари етказиб келинади.

“Худудгаз Самарқанд” АЖ вилоят филиали томонидан истеъмолчиларга кунига режага нисбатан 42 тонна кўп суюлтирилган газ етказиб берилмоқда. Жумладан, 15 декабрь кунини 296,1 тонна, олин худудлардаги маҳаллаларга 12,7 тонна суюлтирилган газ тарқатилди.

Жумладан, Нарпай туманидаги Аҳиллик маҳалласидаги хонадонларга 220 дона машиий газ баллонлари тарқатилди. Паст Даргом туманидаги 15 та маҳалла, Иштихон туманидаги Орлот, Тойтуёқ ва Мирзақул маҳаллаларидаги аҳоли хонадонларига ҳам газ баллон ажратилди.

Дилмурод ТЎХТАЕВ.

## Бизнинг суҳбат



Кичик саноат зоналари: ИМТИЁЗ, ИМКОНИЯТ, НАТИЖА. Дунё тажрибасида саноатнинг ривожланишида кичик ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш орқали йирик корхоналарга асос солинган. Улар учун алоҳида худуд, бирмунча қулайликлар яратилган. Мамлакатимизда ҳам ишбилармонликни ривожлантириш, саноат тармоқлари субъектларини рағбатлантириш учун кичик саноат зоналари ташкил этилган ва уларга бир қатор имтиёз, енгилликлар берилган. Бу имтиёзлар нималардан иборат ва унинг самараси қандай бўлмоқда? Шу ҳақда маълумот олиш учун вилоят кичик ва ёшлар саноат зоналари дирекцияси директори Анвар ЮСУПОВГА мурожаат қилдик.

(Давоми 2-саҳифада) >>>



Об-ҳаво. Бугун ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим худудларда туман тушиши мумкин. Харорат кечаси 2-3 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади. 21 декабрда айрим жойларда қор ёғади. Шамол тезлиги 15-20 метр сониягача кучайиши мумкин. Кечаси 2-3 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ ҳаво кузатилади. 22-24 декабрь кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Айрим худудларда туман тушади. Йўлларда музламалар пайдо бўлиш эҳтимоли бор. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-10 даражагача илиқ бўлади. Самарқанд гидрометеорология бошқармаси.



# Нуронийлар ёшларга ибрат

Хаёт сўқмоқларидан ёруғ юз билан ўтиб, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилган нуронийларнинг умр йўли ҳамisha ёшлар учун ибрат мактаби вазифини ўтайди. Самарқанд шаҳрида "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!" шiori остида ўтказилган уч авлод учрашувида халқимизга хос эзгу анъаналар яққол намоён бўлди. Унда барча шахар ва туманлардан пиру бадавлат нуронийлар, файзли оила соҳиблари ҳамда ёш авлод вакиллари қатнашди.



## Уч авлод учрашуви



Тадбирда вилоят маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси раҳбари Исроил Жабборов кексалик гаштини суратган отахон ва онахонларнинг ҳар бир сўзи, ҳаётий тажрибаси ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойда муҳим ўрин тутганини таъкидлади. Ширин дийдор барчага хуш кайфият бахш этиб, фаол ва фидойи нуронийлар эсга олинди, давранинг файзи бўлган катта авлод вакилларига эҳтиром кўрсатилди. Дориламон кунлар шукронасига ҳамоҳанг маърифий сўҳбатлар давомида эртанги кун истиқболни йўлидаги хайрли ишлар бардавом бўлиши учун эзгу тилаклар билдирилди. Тадбир сўнггида нуронийларга эсдалик совғалари улашилди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Зебинисо Раҳмонова иштирок этди. **С.МАРДИЕВ.**

# GAZETA o'qimagan avlod bo'lib qolmaylik

Avtobusda ketayotib, beixtiyor ikki yo'lovchi qizning suhbatini eshitib qoldim. Ulardan biri Samarqand shahridagi Dahbet ko'chasida tushib, matbuot do'konidan gazeta olishi kerakligini aytdi. Noshirlik mutaxassisligi bo'yicha tahsil olayotganligim bois tengdoshlarim orasida gazetxonlarini uchratib qolsam, xursand bo'laman. Lekin qizlar mavzuni shu joyida tugatgach, menda shubha paydo bo'ldi. Gazetani o'zingiz o'qiyisizmi, degan savolimga, "Yo'q, bobom uchun olaman", degan javobni eshitdim.

Xo'sh, bugun yoshlar nega gazeta o'qimayapti? Shuncha vaqtdan buyon kuzatib, jamoat joylarida gazeta u yoqda tursin, kitob mutolaa qilib turgan yoshlarni ham deyarli uchratmadim. Muloqotimiz vaqtida "Gazetaning davri o'tdi, endi uni faqat kek-salar o'qiydi", deganlar bo'ldi. Nahotki, jamiyatimizning ma'rifati sandiq'idan shunchalik oson voz kechsak? Bu masalada barcha yoshlar bir xil fikrdami? Meni qiyayotgan shu savollarga javob topish maqsadida tengdoshlarim orasida kichik so'rovnomma o'tkazishga qaror qildim. So'rovimda 54 nafar talaba qatnashdi. Birinchi savolim: "Oxirgi marotaba qachon gazeta o'qidingiz?" bo'ldi. Ishitirokchilarning 35 nafari umuman gazeta o'qimaganligini bildirdi. 5 nafari qachon o'qiganligi esida yo'qligini, 9 nafari 4-5 yil oldin o'qiganligini va faqat 5 nafari bir-ikki haftada gazeta o'qib turishini aytdi. Achinarisi, ulardan hech biri yaqin o'rtda o'zi uchun gazeta



so'lib olmagan ekan. Gazetalar bilan oz-moz tanish ishtirokchilar "Qaysi gazeta sizga ko'proq yoqadi va nima uchun?", degan savolimga faqat "Darakchi", "So'g'diyona" singari nashrlarni yodga olishdi. O'g'ib bolalar asosan gazeta va jurnallardagi krossvord, boshqotirma, dunyo xabarlariga qiziqsa, qizlarga taomlarning retsepti, moda yangiliklari yoqar ekan. Tanqidiy-tahliliy, kishining dunyoqarashini kengaytiradigan maqolalarni hech biri o'qimabdi. To'g'ri, ta'lim, tadbirkorlik hamda marketingga oid foydali maqolalarni o'qiydigan

yoshlar ham bor ekan, lekin ular juda ozchilik. Zamonaviy gazeta qanday bo'lishini xohlar edingiz?", degan umumiy savolimga ko'pchilik javob bera olmadi. Bu tabiiy hol. Boisi ishtirokchilarning asosiy qismi gazeta o'qimagan bo'lsa, nashrning qanday bo'lishini bilarmidil? Boshqalar esa gazetalarining lotin alifbosida, rangli sahifalar bilan, hajmi kichikroq (A2 bichimidagi nashrlarni o'qish noqulay) bo'lishi kerakligini aytdi.

Xulosam shunday bo'ldi - aksariyat yoshlar gazeta-jurnallar haqida tushunchaga ega bo'lmagan holda ularni eskilik sarqiti deb hisoblamogda. Bu xuddiki kitob o'qimaydigan insonning kitoblarni keraksiz, deb da'vo qilishiga o'xshaydi. Xo'p, biz zamondan odimlab ketibmiz, barcha ma'lumotlarni internetdan olganimiz uchun davriy nashrlarga ehtiyoj yo'q ekan, unda Yaponiyada nega gazetalariga talab yuqori? Dunyoning eng texnologiyalashgan mamlakatida kuniga 3-4 million nusxada gazetalar nashrdan chiqishini bilasizmi?

To'g'ri, internet tarmoqlarida istalgan ma'lumotni tez topishingiz mumkin. Lekin bu ularning barchasi ishonchli, degani emas. Ayniqsa, keyingi vaqtda avj olgan dezinformatsiya sharoitida u yoki bu ijtimoiy tarmoq qaysidir kuchlarning o'yalariga xizmat qilmayotganiga kim kafolat beradi? Bunday damlarda ko'proq davriy nashrlarga quloq tutish kerak. Nega deganda ular ma'lumotni tahlilsiz, tahrirsiz chiqaraydi. Takrifim - barcha ta'lim muassasalarida, jamoat joylarida, yirik savdo va ko'ngilochar maskanlarda gazet-xonlik muhiti yaratilsa. Yosh ulug'lar yoshlarga o'mak bo'lsa. Bu ketishda gazeta o'qimagan avlod bo'lib qolishimiz hech gap emas. Ma'naviyatimiz, ma'rifatimizni internetga ishonib qo'yamaylik.

**Hilola TOSHPOLATOVA, Samarqand davlat universiteti filologiya fakultetining noshirlik yo'nalishi talabasi.**

# Mnemonika bo'yicha g'oliblar taqdirlandi

**Samarqandda mnemonika (eslab qolish san'ati) bo'yicha AI-Buxoriy nomidagi musobaqa o'tkazildi.**

Musobaqada Qozog'iston va Qirg'iziston respublikalaridan va yurtimizning barcha hududlaridan kelgan 82 nafar ishtirokchi g'oliblik uchun bahs olib bordi. Turnir natijasiga ko'ra, birinchi o'rinni jizzaxlik Shohrux Baxtiyorov egalladi va 80 million so'm pul mukofotini qo'lga kiritdi. Navoiylik Fayoz Mardonov ikkinchi o'rin bilan 40 million so'm va Andijon viloyati vakili Islombek Madaminov uchinchi o'rin bilan 20 million so'm pul mukofotiga ega bo'ldi. Shuningdek, viloyatimizdan mnemonikaning "Yuniyor" yo'nalishi bo'yicha Shahribonu Qurbonova hamda Nozima Husanova ikkinchi va uchinchi hamda "Name and face" yo'nalishida Abdulrasul G'afurov uchinchi o'rinni qo'lga kiritdi. **F.RO'ZIBOYEV.**



Bugungi kunda nogironligi bor шахslarning bandidigini ta'minlash maqsadida tashkilot va korxonalarda ularning mehnat qiliishlari uchun imkoniyat va sharoit yaratilayпти. Хусусан, улар одатдаги меҳнат шaroitlariga эга ташкilotларда, nogironligi бўлган шахslarning mehnatidan foydalanuvchi ihtisoslashtirilgan korxonalarda, шuningdek, yakka tartibda mehnat қилayпти.

# Ногиронлиги бўлган шахslarning бандлиги таъминланayпти

Вазирлар Маърамасининг 2022 йил 20 апрелдаги "Ногиронлиги бўлган шахslarning бандлигига кўмаклаштириш раъбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан 2022 йил 1 июлдан ижтимоий аҳамиятга молик



лойдихаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаси бериш тартиби тўғрисидаги низом ишлаб чиқилган. Ушбу низомга мувофиқ, Бандликка кўмаклаштириш давлат жаърамаси маблағлари ҳисобидан nogironligi бўлган шахslarning ижтимоий фаоллигини ошириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкilotlariga базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорининг 2 баравари буюртма бериш, бу борада танлов ўтказиш амалга оширилади. Бунда ижтимоий буюртмалар nogironligi бўлган шахslar учун тавсия этилган касблардан ва бундай шахslarning қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, уларни касб-хунарга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаоллият юритувчи давлат ёки нодавлат таълим ташкilotlariga йўналтириш, ижтимоий эътиёмжанд аҳоли қатламларига мансуб шахslarni ишга қабул қилган ташкilotlarга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдоридан ҳақ тўланади.

Ушбу низом асосида бугунгача nogironligi бўлган 242 нафар фуқаро касб-хунарга ўқитишга жалб қилинди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономаркази ҳамда туманлардаги касбга ўқитиш марказларида ўқитилayпти. Ишлаш истагида бўлган 321 нафар nogironligi бўлган фуқаро ишга жойлаштирилди, 259 нафари жамоат ишларига жалб қилинди. Узини ўзи банд қилган ва хунармандчилик билан шуғулланayдиган 145 нафар nogironligi бўлган шахsga асбоб-ускуна ва меҳнат кулларлари харид қилиш учун субсидиялар берилди.

**И.НАРЗУЛЛАЕВ, вилоят бандлик бош бошқармаси ишсизларни ҳисобга олиш, ишга жойлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш шуббаси бошлиғи.**

РЕКЛАМА, E'LOMLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

**Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Самарқанд филиали спорт психологияси, ижтимоий-табiiy файлар кафедрасига ўқитувчи лавозимига**

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этишни истаганлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари:

- филиал директори номига ариза;
- яшаш жойи кўрсатилган паспорт нусхаси;
- кадрларни қайта қилиш шахсий варақаси;
- олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси.

Қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва иштироклар мавжуд бўлган тақдирда уларга тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини, малака ошириш ҳақидаги сертификатларни тақдим этишлари керак.

Эслатма: Танловда иштирок этиш учун аризалар газетанда эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шахри Чўпон ота кўчаси, 13-А" уй. Телефонлар: +99866-236-21-28, +99893-357-74-95. e-mail: [misport\\_markaz\\_sf@umail.tuz](mailto:misport_markaz_sf@umail.tuz) **ФИЛИАЛ МАЪМУРИЯТИ.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Самарқанд шаҳридаги "NEW TECHNO AGE" масъулияти чекланган жаъият қўшма корхонаси (СТПР: 302031180) ўз устав фондини 4 791 141 000 (тўрт миллиард етти юз тўқсон бир миллион бир юз қирқ бир миң) сўмдан 1 995 208 859 (бир миллиард тўққиз юз тўқсон беш миллион икки юз саккиз миң саккиз юз эллик тўққиз) сўмга камайитишмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилayдиган барча даъволар газетанда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шахри Исаев кўчаси, 15-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Самандарова Манзура Сайдуллаевнага (2021 йил 1 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Фарҳодович нотариал идорасида марҳум Кулиев Шавкат Борисовичга (2022 йил 6 июнда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Ходжаев Фаррух ович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Чўқур йўл кўчаси, 9-Б" уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Прижқулов Тагайга (2019 йил 27 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 110-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ходжаев Фаррух Фарҳодович нотариал идорасида марҳум Юнусов Амин Азизовичга (2021 йил 4 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Ходжаев Фаррух ович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Чўқур йўл кўчаси, 9-Б" уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасида марҳум Пайазиев Садулла (2020 йил 7 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Юсупова Ирода Рустамовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Боғдод кўчаси, 1-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Турсунов Суҳроб Бердиқулович нотариал идорасида марҳум Хамрақулов Рустам Муслимовичга (2008 йил 13 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Турсунов Суҳроб Бердиқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Беруний кўчаси, 200-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Хазратқулов Маъжуд Муниқулович нотариал идорасида марҳум Ражабова Джанатта (2008 йил 2 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросқўрларнинг Хазратқулов Маъжуд Муниқулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шахри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳар техник инвентарлаш идорасидан 1989 йилда Раҳматов Джумага қарашли Самарқанд шахри "Зафаробод" МФЙ, Табассум кўчаси, 20-уй учун берилган уй режиси китоби, Самарқанд шаҳар собиқ Сиеб туман ҳокимининг Раҳматов Джума номига шу уй учун чиқарилган қарорининг асл нусхаси ва ушбу уйнинг уй дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Манзил: Самарқанд шахри "О" TARCHI PARRANDA" масъулияти чекланган жаъиятининг (СТПР: 306498626) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

